“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Юнусобод деҳқон бозори”
АЖ директори
_________ О.Р.Джумаев
“___” март 2021 йил

**“ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АЖ ДА 8-МАРТ ҲАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН “ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН**
**МАЖЛИС БАЁНИ**

2021 йил “5” март
Тошкент шаҳри

Мажлис раиси
“Юнусобод деҳқон бозори”
АЖ директори О.Р.Джумаев

Қатнашдилар :
Директор ўринбосарилари З.Юсупов
С.Сафаев
“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ маънавий
ва маърифий ишлар бўйича инспектори
М.С.Асатова
Жамият аёллари
15 киши

**КУН ТАРТИБИ:**

**“8-март Ҳалқаро хотин қизлар байрами” муносабати билан “ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА” мавзусида давра суҳбати ва жамият хотин қизларини табриклаш ҳақида.**

Мажлисни жамият директори О.Р.Джумаев очиқ деб эълон қилиб, кириб келаётган 8-март ҳалқаро хотин қизлар байрами билан барча аёлларни табриклади. Аёлларни қанча ардокласанг шунча кам. Афсуски, биз бундай қалб сўзларини турмуш тарзимизда кам ишлатамиз лекин аёллар байрами борки сизларнинг дилларингиз хушнуд қиладиган ширин сўзлар ила таббассумингизни уйғотишга муяссар бўлганимиздан шукурона қиламиз. “Жаннат оналар оёғи остида” деб тўғри айтишган, дарҳақиқат одамзодни, нафақат одамзодни балки оламларга ўз зиё нурларида нурафшон этиб турган аёлларимизнинг яқинлашиб келаётган гўзаллик ва нафосат, самимийлик ва баҳор айёмми 8 март Ҳалқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан муборакбод этаман. Бахорий гўзаллик сизларни хеч қачон тарк этмасин. Фурсатдан фойдаланиб жамият аёлларини ва улар орқали бутун юртимиз аёлларини чин дилдан табриклайман. Байрамингиз муборак бўлсин азиз аёллар!!! деб ўз нутқини якунлади , сўз навбатини маънавий-маърифий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатовага сўз берилди. Оиланинг юкини хеч нолимасдан, хаётга шукурона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизни байрам билан табриклади.

Мажлис раиси жамият директори О.Р.Джумаев жамиятда ишлаётган барча аёл ходимларни гулдаста ва мукофат пулларини бериб тақдирлади.

Мажлисдаги мавзу бўйича:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Бозор худудида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга барча қулайликлар яратиш борасида режалар ишлаб чиқилсин.
2. Тадбиркор аёлларни хар томонлама қуллаб қувватлансин ва жамият тадбирларига ҳам жалб қилинсин.

Мажлис котиби М.С.Асатова



